


Матонатли юртдошларимизга Рамазон туҳфаси



09:07 / 25.06.2017 4147

Ислом.уз портали Аллоҳ таолонинг тақдирини комил иймон, мустаҳкам сабр-бардош билан қарши олган матонатли биродарларимиз учун ўзига хос Рамазон туҳфасини тайёрлади. Бу йилги Ийдул Фитр – Рамазон байрамидан бошлаб порталимиздаги медиамаълумотлар имо-ишоралар тилига таржима қилиб борилади. Сурдо-таржима билан тақдим қилинаётган илк видеолавҳамиз Рамазон табриги бўлиши бежиз эмас, зеро, Рамазони шариф – меҳр-мурувват, хайру саховат ойи, кўнгилларни шод қилиш, қалбларга сурур бағишлаш ойдир. Эндиликда матонатли юртдошларимизнинг илтимосларига биноан порталимиздаги улар истаган барча маълумотлар имкон қадар сурдо таржима қилиб берилади.

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавом айласин, матонатли юртдошларимизга эса сабр ойи бўлмиш Рамазон шарифнинг хурматидан беҳисоб ажру савоблар ато этсин!

Бутун дунё мусулмонларига Ийдул Фитр – Рамазон байрами муборак бўлсин!